

**ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ
КОММУНИКАЦИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.30.08.2018.Fil.14.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАРЗИЯЕВ ЖАНАБАЙ КАЛИБАЕВИЧ

**МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ ҚОРАҚАЛПОҚ МАТБУОТИДА
ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР ТАЛҚИНИ**

10.00.09 – Журналистика (филология фанлари)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

УЎК: 504 (575.72)
КБК:26 (54)
М-54

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Марзияев Жанабай Калибаевич

Мустақиллик йиллари қорақалпоқ матбуотида экологик муаммолар
талқини 3

Марзияев Жанабай Калыбаевич

Интерпретация экологических проблем в каракалпакской прессе в годы
независимости 21

Marziyayev Janabay Kalibaevich

Interpretation of environmental problems in the karakalpak press in the years
of independence 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ 43
List of published works

**ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ
КОММУНИКАЦИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМӢЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ Ph.D.30.08.2018.Fil.14.01
РАҚАМЛИ ИЛМӢЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАРЗИЯЕВ ЖАНАБАЙ КАЛИБАЕВИЧ

**МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ ҚОРАҚАЛПОҚ МАТБУОТИДА
ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР ТАЛҚИНИ**

10.00.09 – Журналистика (филология фанлари)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон журналистикасида сўнги пайтларда экология мавзуси публицистиканинг асосий йўналишларидан бирига айланмоқда. Бунга, айниқса охириги йилларда жамиятда кўшгина экологик муаммоларнинг тўпланиши ҳамда улар ўз вақтида ечимини топа олмаётганлиги сабаб бўлмоқда. Соҳада юзага келган ушбу муаммолар бугунги кунда инсоният ҳаётининг бош масалаларига айланган. Жамиятдаги мазкур муаммоларни ҳолисона ёритиб бориш, аҳоли ўртасида мана шу масалалар юзасидан жамоатчилик фикрини уйғотиш ва шу орқали уларнинг барҳам топишига эришиш зарурати келиб чиқмоқда.

Дунёда экология мавзуси илм-фаннинг турли соҳаларида кенг ўрганилиб, ҳар томонлама тадқиқ этиб келинмоқда. Бу борада оммавий ахборот воситаларининг роли алоҳида муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан, журналистикада экологик муаммоларнинг талқини, уларни ёритишда журналист маҳорати, жанрлар имконияти, материалларнинг тили ва услубига оид илмий тадқиқотлар кўлами тобора ортиб бормоқда. Шунинг учун ҳам экологик муаммоларнинг олдини олишда журналистиканинг ролини замонавий тадқиқот усуллари асосида ўрганиш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Истиқлол шарофати билан Ўзбекистон миллий журналистикаси ва унинг таркибий қисми бўлган матбуотшунослик фани кенг ривожланди. Матбуот ва унинг жамиятдаги ўрни, ривожланиш тамойиллари, публицистика ва унинг ижтимоий, маънавий хусусиятлари, жанрий тақомили, журналистик маҳорат борасида қатор илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилди. Маълумки матбуотда ижтимоий ҳаётнинг барча ҳаётий масалалари ўз аксини топади. Жумладан, экология, атроф-муҳит муҳофазаси мавзулари ҳам. Шунини айтиш керакки, бизга ўтмиш даврдан бир қатор катта миқёсдаги экологик муаммолар мерос бўлиб қолган эди. Шулардан бири – Орол денгизининг қуриб қолишидир. Бу экологик фожиа ҳозирга келиб фақат Ўрта Осиё худудидагина эмас, балки умумжаҳон муаммосига айланди. «Бугунги куннинг энг ўткир экологик муаммоларидан бири – Орол ҳалокатига яна бир бор эътиборингизни қаратмоқчиман. Мана, менинг қўлимда – Орол фожиаси акс эттирилган харита. Ўйлайманки, бунга ортикча изохга ҳожат йўқ. Денгизнинг қуриши билан боғлиқ оқибатларни бартараф этиш халқаро миқёсдаги саъй-ҳаракатларни фаол бирлаштиришни тақозо этмоқда»¹. Шундай экан, матбуотда айниқса бу фожиага бевосита тааллуқли бўлган Қорақалпоғистон матбуотида экология мавзуси талқинини мантикий-киёсий таҳлил қилиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Экологик назорат тўғрисида»ги (2013) қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон «Олий ўқув юртларидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонларида, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи // Халқ сўзи, 2017 йил, 20 сентябрь.

академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожлани-шининг устувор йўналишлариغا мослиги. Диссертация Республика фан ва технологиялар ривожланишининг: I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қорақалпоқ матбуотида экологик журналистика тушунчаси мустақиллик даврида анча кенг шакллана бошлади. Аввал бу тушунча умумий қарашларда, фақат табиати асраш маъносида тушунилиб келинган эди. Мустақиллик йилларида эса Ўзбекистон Республикаси ва халқаро миқёсдаги анжуман, учрашувлар, семинар-тренингларнинг ташкил этилиши экология мавзусида қалам тебратувчи журналистлар сафини янада кенгайтирди.

Аммо экология мавзусида ёзадиган журналистларнинг катта қўламдаги амалий ишларини жамоатчиликка таништириб борадиган илмий манба деярли яратилмаган. Бу борадаги баъзи асарлар каторига Я.Маматова ва С.Сулаймановалар², Н.Қосимова³ томонидан бажарилган илмий ишларни киритишимиз мумкин. Муаммони очиб беришда эса соҳанинг илмий-назарий масалаларига бағишланган маҳаллий тадқиқотчиларнинг асарлари асосий манба вазифасини бажарди.⁴

Экологияга оид масалалар ҳамдўстлик давлатларидан россиялик ва баъзи бошқа чет эллик мутахассислар томонидан ҳам ўрганилганлигини таъкидлаб ўтишимиз зарур. Улар каторига А.А.Афонин, О.А.Берлова (В.Борейко, В.Б.Колесникова, А.Л.Кочиневалар ҳаммуаллифлигидаги), О.А.Берлова (В.П.Захаров, В.Б.Колесникова, А.Л.Кочиневалар ҳаммуаллифлигидаги), А.А.Горелов, О.А.Захарова, Л.А.Коханова, А.Н.Кочергин (Ю.Г.Марков, Н.Г.Васильев ҳаммуаллифлигидаги), А.Л.Кочинева (О.А.Берлова, В.Б.Колесникова ҳаммуаллифлигидаги), Ю.Г.Марков, М.В.Орлова, Л.В.Сизова

² Сулайманова С.Р., Маматова Я.М. Ўзбекистан экологиялик журналистикаси Турақли раёажланиў контекстинде. – Тошкент: Extremum-press. 2017. – Б. 140.

³ Қосимова Н. Глобал иқлим ўзгариши ва журналистика. – Т.: «Турон-Иқбол». 2016. – Б. 96.

⁴ Муҳаммадиев Р. Публицистика ва унинг жанрлари. – Т.: ТошДУ. 1981. – 124 б.; Тоғасв О. Публицистик тадқиқот санъати. – Т.: Ўзбекистон, 1986. – 192 б.; Хусанов М. Ўзбек совет бадиий публицистикаси (жанр тарихи, проблемаси, поэтикаси). – Тошкент. Фан. 1978. – 132 б.; Мирзаев И.П. Бадиий публицистиканинг баъзи масалалари. – Т.: Фан. 1964. – 128 б.; Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. (Қайта ишланган ва тўлдирилган наشري). – Т.: «Tafakkur» нашриёти, 2011. – 287 б.; Мўминов Ф.А. Журналистика ижтимоий институт сифатида. – Т.: «Университет», 1998. – 176 б.; Дўстмухаммад Ҳ. Журналистиканинг касб одоби муаммолари. Назарий-методологик тахсил. – Т.: Янги аср авлоди, 2007. – 216 б.; Ҳамдамов Ю. Таракқиёт мезони. – Т.: «O'zbekiston», 2013. – 216 б.; Мелибоев А., Нестеренко Ф.П., Эрнзаров К.Т., Маматова Я.М., Коробкин Д.В. Труд журналиста: профессионализм, творчество мастерство. Учебное пособие. Часть II. – Т.: ZAR QALAM, 2002. – 218 с.; Луғат – маълумотнома: Журналистика, Реклама, Паблик Рилейнз: 1700 та атама /Муаллифлар хайъати: Ф.П. Нестеренко (раҳбар), М.Қасем, Я.М. Маматова ва бошқ. – Т.: Зар қалам., 2003. – 399 б.; Нестеренко Ф.П., Ирнзаров К.Т., Маматова Я.М. Современная журналистика. Учеб. пособие. –Т.: Zar qalam. 2006. – 404 б.; Репортёрлик фаолиятининг назарияси ва амалиёти. Ўқув қўланма. (К.Эрнзаров умумий тахрири остида). – Т.: ЎЗМУ. 2002. – 208 б. ва бошқалар

ва Н.Г.Давыдова, Т.К.Сметанина, В.И.Фурсов, Ш.М.Фридман ва К.А.Фридман, Р.Дж.Кокс, Т.Дж.Лайон⁵ асарларини киритишимиз мумкин. Ушбу асарларда экология йўналишидаги ОАВнинг ўзига хос хусусиятлари ва журналист-экологлар фаолиятининг ўзига хослиги масалаларига эътибор қаратилган.

Муаммони қорақалпоқ публицистикаси мисолида оладиган бўлсак, экологияга оид муаммолар тадқиқи, уларнинг жанр ва услубий хусусиятлари махсус тадқиқот объекти сифатида олинмаган.

Таъкидлаб ўтишимиз жоизки, Д.О.Бекбаулиевнинг⁶ тадқиқот ишида 1991-1994 йиллар оралигидаги қорақалпоқ матбуотини миллий мустақиллик асосида қайтадан ташкил этиш ва янги миллий мазмун билан бойитиш масалалари ёритилар экан бу даврда матбуотда акс эттирилган экология мавзусига доир айрим ўринлари акс эттирилган. Тадқиқотчи А.У.Абдимуратовнинг⁷ илмий ишида ёзувчи Тўлепберген Қайипбергенонинг публицистикаси ўрганилган ва унинг асарларининг экологик мавзуга оид томонлари таҳлил қилинган. Шунингдек, З.А.Қожикбаева⁸, Б.Н.Палвонов⁹, П.Қ.Алламбергенова¹⁰, Т.Ж.Маширипова¹¹ларнинг ишларида бадиий адабиёт жанрлари ва журналистиканинг назарий ва амалий масалалари ўрганилиш жараёнида экология мавзусига бағишланган айрим материаллар таҳлил қилинган. Аммо бу ишларда матбуотда экологик муаммолар мавзуси, уларнинг жанр ва услубий хусусиятлари махсус ўрганилмаган.

⁵ Афонин А.А. Основы экологии. http://afonin-59-bio.narod.ru/3_ecology/3_ecology.htm; Берлова О.А., Борейко В., Колесникова В.Б., Кочинева А.Л. Как экологам работать со средствами массовой информации. – Киев, 2000. – 120 с.; Берлова О.А., Захарова В.П., Колесникова В.Б., Кочинева А.Л. Игра на информационном поле. Журналистика и ПР для зелёных. – М.: Центр координации и информации МСФЭС, 2003. – 207 с.; Горелов А.А. Экология / А.А. Горелов - М.: Высшее образование, 2008. – 192 с.; Захарова О.А. Экологические коммуникации в социокультурном пространстве. – М., 2008. – 150 с.; Коханова Л.А. Экологическая журналистика, PR и реклама: учеб. пособие для студентов вузов, обучающихся по специальности «Журналистика». – М.: Юнити-Дана, 2007. – 383 с.; Кочергин А.Н., Марков Ю.Г., Васильев Н.Г. Экологическое знание и сознание. Лада, Наука. – Новосибирск: 1987. – 218 с.; Кочинева А.Л., Берлова О.А., Колесникова В.Б. Экологическая журналистика: Учеб. пособие. – М.: Центр координации и информации Социально-экологического союза, 1999. – 155 с.; Марков Ю.Г. Социальная экология. Взаимодействие общества и природы. – Новосибирск: Сиб. Унив., 2004. – 544 с.; Орлова М.В. Экологическая журналистика: сущностные характеристики понятия. «Вектор науки Тольяттинского государственного университета». – Тольятти. 2013; Сизова Л.В., Давыдова Н.Г. Советы начинающим журналистам. Краткое пособие для молодых журналистов-экологов. – М., 2008. – 12 с.; Сметанина Т.К. Исследовательская деятельность и экологическое образование учащихся. – Чита. Молодой ученый, 2011. – 121-124 с.; Фурсов В.И. Экологическое образование и воспитание студентов высших учебных заведений. – Алматы. 1992; Фридман Ш.М., Фридман К.А. Пособие по экологической журналистике. – Бангкок, 1998. – 86 с.; Cox Robert J. The environmental communication and the public sphere. Sage Publishing, Inc., Washington, 2010. – 385 p.; Lyon T.J. This Incomparable Land: A Guide to American Nature Writing. Minneapolis: Milkweed Editions, 2001. – 277 p.

⁶ Бекбаулиев Д.О. Давлат мустақиллиги йилларида Қорақалпоғистон даврий матбуоти (1991–1994 йй.): Филол. ф. номз. ...дисс. автор. – Т.: 1997. – 26 бет.

⁷ Абдимуратов А.У. Публицистика Тўлепбергена Қайипбергенова: специфика, тематика, жанрово – стиллистические особенности. Автор. дис. ... к.ф.н. – Т., АН РУ, 1997. – 22 бет.

⁸ Қожикбаева З.А. Художественный очерк в современной каракалпакской литературе: Автор. дисс. ... к.ф.н. – Нукус. 1998. – 22 бет.

⁹ Палвонов Б.Н. Хозирги қорақалпоқ адабиётида эссе жанри (Жанрнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва маҳорат масалалари). Филол. фан. номз. ... дисс. автореферати. – Нукус: 2007. – 22 бет.

¹⁰ Аллабергенова П.Қ. Қорақалпоғистон телевидениесининг жанрлари: мавзулар, журналистик ёндашув ва ривожланиш тамойиллари (2000-2006 йиллар): Филол. ф. номз. ... дисс. автор. – Т.: 2007. – 24 бет.

¹¹ Маширипова Т.Ж. Публицистика теориясының бир пүтин концепциясы: илимий-методологиялык анализ (Қарақалпақстан баспасези материаллары мысалыда). Монография. – Т.: Murntoz so'z, 2016. – 292 б. Шу муаллиф. Публицистика назариясида асарнинг мазмун ва шакл муаммолари (Қорақалпоғистон Республикаси матбуоти материаллари мисолида). Филол. ф. б. фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. Тошкент. 2017. – 48 б.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг «Ҳозирги қорақалпоқ журналистикасининг долзарб масалалари» мавзусидаги тадқиқоти доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қорақалпоқ матбуотида экология мавзуидаги чиқишларнинг ривожланиш тенденциялари ҳамда ўзига хос хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қорақалпоқ матбуотида мустақилликкача ва мустақилликдан кейинги йилларда экология мавзуидаги материалларни қиёсий-типологик жиҳатдан таҳлил қилиш, ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлаш;

матбуотда чоп этилган экологик мавзуидаги материалларнинг жамотатчилик фикрини уйғотишдаги роли, таълим-тарбиявий аҳамиятини очиб бериш;

Қорақалпоғистонда чоп этилаётган турли йўналишдаги нашрларда экология мавзусини ёритишнинг ўзига хос хусусиятлари ва нашрларнинг ўз йўналишлари бўйича мавзу топшиш йўллари кўрсатиш;

экология мавзуида чоп этилган материалларнинг жанрий хусусиятларини ўрганиш;

экология мавзуидаги материалларда журналистларнинг индивидуал услуби ва маҳоратини кўрсатиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб Қорақалпоғистонда чоп этилаётган вақтли нашрлар ва уларда экологик мавзуга доир материаллар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини қорақалпоқ матбуотида чоп этилган экология мавзуидаги материаллар, мавзулар таснифи, мавзунини очиб беришда қўлланган жанрлар, тил ва услуб ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихий, қиёсий-типологик, мантикий-экспериментал ва анъанавий таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

экологик муаммолар таъсирида бўлган ҳудуд матбуотида экомаданият, экологик таълим мавзуларининг ёритиб борилишида экотарбия масалаларининг ижтимоий аҳамияти далилланган;

қорақалпоқ матбуотининг типологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда экология мавзусининг ёритилиши даражасида ижобий ўсиш тенденциялари мавжуд эканлиги очиб берилган;

мавзунини ёритиб беришда қорақалпоқ журналистларининг масалага нашрнинг мақсадли йўналишидан келиб чиқиб ёндашгани ва мавзу йўналишларининг хилма-хиллашгани, экология мавзусида материаллар тайёрлашда жанрий имкониятларнинг кенг фойдаланилгани ва охириги йилларда мавзунини очиб беришда визуаллаштирув усули пайдо бўлгани аниқланган;

қорақалпоқ матбуотида 90-йилларда эколог мутахассислар томонидан тайёрланган материаллар билан 2000 йилларда қупайган журналистик чиқишлар ўртасидаги муаммони жамиятга тушунарли ва таъсирли етказиб беришдаги фарқлари кўрсатиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қорақалпоқ матбуотида экология мавзулар ёртилишининг дастлабки даврлардаги ҳолати билан кейинги даврлардаги тақомили кўрсатилган;

экология мавзусини ёритишда журналистик касбий маҳоратга оид илмий-назарий қарашлар шакллантирилган;

жамиятда экологик муаммоларнинг олдини олишда матбуотнинг муҳим ўрин тутиши асослаб берилган;

матбуотда экологияга оид мавзуларнинг жанрий хусусиятлари тадқиқ этилган ва бунда журналистиканинг ахборий ва таҳлилий жанрлари асосий ўрин тутганлиги кўрсатиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги экологияга ихтисослашган журналистика алоҳида йўналиш бўлиб, Қорақалпоғистонда шундай йўналиш вужудга келган, экология мавзулари таснифи берилган, муаммони матбуотга олиб чиқишда соҳа мутахассисларининг фаоллиги ва маҳорати аниқланган, шунингдек, экология мавзуларини таҳлил қилиш жараёнида тадқиқот усуллари асосида чиқарилган назарий қарашлар ва хулосалар журналист назарий ётчи олимларнинг фикрлари билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасида чиқарилган хулосалар қорақалпоқ матбуоти ривожланиш тенденциясини, типологик хусусиятларини, экология мавзудаги материалларнинг ўзига хос томонларини кўрсатади ва бу борадаги мавжуд фикрларни янада тўлдиради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган хулосалардан олий ўқув юртларининг журналистика, фалсафа йўналишларида, экологияга ихтисослашган журналистика бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалар, амалиётчи журналистлар учун услубий қўлланма, тавсияномалар яратишда, махсус курс ва семинарлар ташкил этишда манба вазифасини ўтайди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорақалпоқ матбуотида экология мавзуси талқини, ёртилиш хусусиятлари, муаммони очиб беришда журналистиканинг роли ва маҳорат масалалари таҳлили бўйича олинган натижалар асосида:

экология мавзусини ёритишда журналистик ёндашув ва публицистик услуб имкониятларнинг аҳамияти юзасидан олинган хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонининг 5.1-бандидаги «атроф табиий муҳит, аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларнинг олдини олиш» вазифасини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Қорақалпоғистон бўлимининг 2018 йил 26 ноябрдаги 54-сон маълумотномаси). Натижада журналистларнинг экологик мавзунини ёритишдаги ўзига хос хусусиятларни янада кенроқ ўзлаштиришга ва касбий маҳоратлари ошишига ёрдам берган;

жамиятда экологик муаммонинг олдини олишда матбуотнинг тутган ўрни алоҳида эканлиги, шунингдек, экология мавзуларини таснифлаш орқали ўрганиш ҳамда очиб бериш ва мазкур йўналиш бўйича ихтисослашган напирлар фаолиятига катта эътибор қаратиш зарур эканлиги юзасидан далилланган

хулосалардан Қорақалпоғистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлиги фаолиятида қўлланилган. (Қорақалпоғистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигининг 2018 йил 26 ноябрдаги БК-01-274-сон маълумотномаси). Натижада ихтисослашган экологик нашрларнинг соҳадаги муаммоларни очиб беришига ҳамда экология мавзуларни ёритишда мавзулар таснифига эътибор қаратиш лозимлигига хизмат қилган;

экологик муаммоларнинг олдини олишда жамиятда экологик маданиятнинг муҳим аҳамияти хусусида Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг амалий ишларида фойдаланилган. (Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг 2018 йил 13 ноябрдаги 01-02/520-сон маълумотномаси). Натижада Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси эшиттиришларида экологик муаммоларнинг олдини олишда экологик маданиятга катта эътибор қаратилишига илмий асос бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та, жумладан, 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуи бўйича жами 5 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, шундан, 4 та республика ва 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати (128 ном)дан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 144 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурлиги асосланиб, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги кўрсатилиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларининг ишончлилиги асосланиб, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Журналистикада экологик муаммоларнинг ўрганилиши ва ёритилишининг аҳамияти»** деб номланган биринчи бобида журналистикада экология мавзусининг ўрганилганлик даражаси ва назарий-методологик асоси ўрганилган бўлиб, шундан келиб чиққан ҳолда жамиятда экологик маданиятни шакллантириш орқали ушбу масаланинг ечимини топишда матбуотнинг ўрни таҳлил қилинган ва қорақалпоқ матбуотининг мамлакатимиз мустақиллигигача бўлган даврида экология мавзусига алоқадор мақолаларнинг ёритилиши ҳолати ҳам тадқиқ қилинган.

Экологик журналистика тушунчасининг журналистика назариясидаги ўрнига аҳамият қаратадиган бўлсак, мазкур тушунчанинг предмети, йўналишлари ва назарий аспектиларини ишлаб чиқишда тадқиқотчилар томонидан олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари¹² асосли эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Мазкур тадқиқотчилар томонидан билдирилган фикрлар орқали масалага ойдинлик киритадиган бўлсак, улардан А.Кочинева ҳаммуаллифликда яратилган асарда келтирилган «экологик журналистикада ... узлуксиз, кенг турда глобал ва локал аҳамиятга эга муаммоларни ёритиш тушунилади. Лекин бундай журналистиканинг предмети сифатида фақатгина муаммолар бўлиб қолмасдан, атроф-мухитни кўриқлаш ва ундан фойдаланиш йўналиши бўйича ишланаётган тўғри ишлар ҳам бўлиши мумкин»¹³, деган фикри масала ечимига анча яқин келади.

Шу каби фикрлар Ш.М.Фридман ва К.А.Фридманлар томонидан ҳам эътироф этилади: «Экологик журналистиканинг предмети яъни, экологик журналистиканинг тематик йўналишлари бўлган соғлиқни сақлашдан тортиб балиқчиликкача йўналишларни таъкидлаб ўтиш тушунчанинг тўлақонли маънода очилмаслигига олиб келади ва уни таърифлаб бериш анча қийин кечади. Бизни ўраб олган атроф-мухитни мураккаб тасниф сифатида объект келиб олинади ва унда инсонлар, жонли ва жонсиз мавжудотлар қийин муносабатларга киришганлигини акс эттирувчи журналистикани экологик, деб ҳисоблаш мумкин»¹⁴.

Бундан кўриш мумкинки, экологик журналистиканинг объекти сифатида барча бизни ўраб олган атроф-мухит тушунилан, унинг предмети сифатида инсонларнинг жонли ва жонсиз табиат билан муносабати таъкидлаб ўтилган.

Шунингдек, М.В.Орлованинг ҳам мазкур мавзу юзасидан билдирган фикри эътиборлидир: «Экологик журналистиканинг объекти бизни ўраб олган ҳар хил қараш ва кўламдаги атроф-мухит, предмети – жамиятнинг атроф-мухит билан ўзаро таъсир этишидир. Мавзунинг ОАВ да мунтазам ва тўлақонли ёритилиб борилиши жамиятнинг онгли ҳуқ-атворини шакллантириши мумкин, бунда унинг янаш мухитига зарар етмаган ҳолда талаблари қондирилади. Мана шуларда экологик журналистиканинг вазифалари кўринади. Мазмунли

¹² Фридман Ш.М., Фридман К.А. Пособие по экологической журналистике. Бангкок, 1998; Cox Robert J. The environmental communication and the public sphere. Sage Publishing, Inc., Washington, 2010; Lyon T.J. This Incomparable Land: A Guide to American Nature Writing. Minneapolis: Milkweed Editions, 2001; Коханова Л.А. Экологическая журналистика. PR и реклама. – М., 2007; Сизова Л.В., Давыдова Н.Г. Советы начинающим журналистам. Краткое пособие для молодых журналистов-экологов. – М., 2008.; Сизова Л.В. Экологические периодические издания //Типология периодической печати /под ред. М.В. Шкодина Л.Л., Ресвиной. – М., 2007; Берлова О.А., Борейко В., Колесникова В.Б., Кочинева А.Л. Как экологам работать со средствами массовой информации. – Киев, 2000.; Берлова О.А., Захаров В.П., Колесникова В.Б., Кочинева А.Л. Игра на информационном поле. Журналистика и PR для зелёных. – М.: Центр координации и информации МСОЭС, 2003; Кочинева А., Берлова О., Колесникова В. Экологическая журналистика: Учеб. пособие. – М.: Центр координации и информации Социально-экологического союза, 1999; Захарова О.А. Экологические коммуникации в социокультурном пространстве. – М., 2008; Орлова М.В. Экологическая журналистика: сущностные характеристики понятия. «Вектор науки Тольяттинского государственного университета». – Тольятти, 2013;

¹³ Кочинева А.Л., Берлова О.А., Колесникова В.Б. Экологическая журналистика: Учеб. пособие. – М.: Центр координации и информации Социально-экологического союза, 1999 / www.seu.ru/csi/lib/books/ecojour.

¹⁴ Фридман Ш.М., Фридман К.А. Пособие по экологической журналистике. – Бангкок, 1998. – Б. 23.

мақсадлар қаторига жамиятнинг глобал ва локал қўламда ўзаро бирга ишлашига асосланган экологик ва атроф-муҳит йўналиши бўйича замонавий илмий-тадқиқотларни яхлит ишлаб чиқиш киради»¹⁵.

Шундай экан, экологик журналистика йўналиши оммавий ахборот воситаларининг алоҳида соҳаси ҳисобланади. Жамиятнинг ривожланиш босқичлари, инсониятнинг ушбу заминда ўзини қандай тутиши билан боғлиқ бўлган қарашларни шакллантиришда ўз ўрнига эга. Экологик журналистика фақат аудиториянинг онг ва қарашларини ўзгартириб қўймасдан, ижтимоий жараёнларга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Чунки экологик мавзудаги чиқишларда аудиторияда маълум бир қарашларни шакллантириш борасида уларнинг жамиятда ўзини тутиши ва атроф-муҳитга қандай муносабатда бўлиши кераклиги тўғрисидаги интилишларини ҳам йўлга солади.

Маълумки, жамиятдаги реал воқеаликни акс эттириб боришда матбуот асосий роль уйнайди. «Матбуот жамият ҳаётининг деярли барча томонларини ўзида акс эттиради, кишилар фаолияти ва жамият ижтимоий ҳаётининг матбуотда ўз аксини топмайдиган бирор соҳаси йўқ, деса бўлади. Яъни, матбуот ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва фаолиятнинг ҳамма томонларига доимий ва актив таъсир кўрсатувчи ғоявий омилдир»¹⁶. Шундай экан, бугунги кундаги глобал муаммолардан бири саналган экологик тангликка қарши курашда авваломбор, жамиятда юқори экологик маданиятни шакллантириш муҳим ва долзарб масалалардан ҳисобланаркан, бу йўлда матбуот этакчилик қилиши шарт. Жамиятда экологик маданиятнинг юқори бўлиши эса аҳолининг атроф-муҳитга бўлган муносабатини ижобий томонга ўзгартиришга айнакса, эҳтиёткорона муносабатда бўлишга ундайди.

Экологик маданият инсон ва табиат орасидаги муносабатларни тадқиқ қилувчи янги йўналиш ҳисобланади. Бу тушунча кўпроқ файласуфлар томонидан талқин қилинади. Жумладан, дастурий «Философский словарь» луғатида экологик маданият тушунчасига шундай таъриф берилади: «Экологик маданият, бу – экологик билимларни бир умумлашмада, фалсафий концепция, ахлоқ-одоб тамойиллари ва уларнинг маданиятдаги идеаллар қойдаси, усуллари, табиат ва инсоннинг қонуний ўзаро таъсир этишидир»¹⁷. Мазкур изоҳ тўлақонли эмас эканлигини қатор олимларнинг қарама-қарши фикрларини таъкидлаб келатганлигида кўришимиз мумкин. Олим К.И.Шилин шундай деб таъкидлайди: «Экологик маданият, бу – келажак, умуминсоний ва глобал маданият ҳисобланади, у онгли равишда экологик имкониятнинг, яъни барча дунё маданиятларининг бирлашувидир»¹⁸. Бунда экологик маданиятнинг интеграцион аҳамиятига эътибор қаратилади.

Аёнки, экологик маданият тарбия орқали шаклланади, тарбиянинг асосий воситаси эса матбуотдир. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, экологик маданият барча экологик йўналишдаги кадрлар, хатти-ҳаракатлар, билимлар ва

¹⁵ Орлова М.В. Экологическая журналистика: существенные характеристики понятия. «Вектор науки Тольяттинского государственного университета». – Тольятти, 2013. – С. 221.

¹⁶ Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. Қайта ишланган нашри. – Т.: Tafakkur, 2011. – Б. 15.

¹⁷ Философский словарь. – М., 1984. – С. 115.

¹⁸ Шилин К.И. Понятие экологической культуры // Экология и культура: методологические аспекты. – Ставрополь: СГПИ. 1982. – С. 62.

компетенциялар йиғиндиси ҳисобланади ва табиат билан монандликда яшашга имкон яратади. Ҳар қандай тарбия эса умуминсоний кадриятлар ва миллий кадриятлар, урф-одатлар билан чамбарчас боғлиқ. Демак, экологик тарбия, экологик маданиятнинг негизини тарих, миллий кадриятларда ҳам кўриш мумкин.

Е.П.Прохоров журналистика соҳасининг олтига вазифасини келтириб ўтади, улар қаторида маданий-билим бериш вазифасига шундай таъриф беради: «Журналистика жамиятнинг маданият институти сифатида жамият ҳаётида юқори маданий кадриятларни тарқатиш ва тарғибот олиб боришда катнашади, инсонларни умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш негизида ҳаракат қилиб, инсоннинг ҳар томонлама ривожланишига замин яратади»¹⁹.

Умуман айтганда, бутун жаҳонда ва минтақамизда оғир экологик таназзул ва атроф-муҳит ҳолатининг ачинарли вазиятида матбуотда экологик маданият мавзусига доир мақолаларни ёритиб бориш мақсадга мувофиқдир. Чунки матбуотнинг таълим-тарбиявий вазифаси соҳадаги муаммоларнинг олдини олишда ва бартараф этишда жуда ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Ҳар қандай муаммони ўрганишда дастлаб унинг тарихига мурожаат этилиши бежиздан эмас, чунки, муаммонинг ҳозирги ва олдинги ҳолатини талқин қилиш орқали муаммога ечим топиш мумкин ва мазкур йўналишни ривожлантириш юзасидан истиқболли режалар ишлаб чиқилади.

Қорақалпоқ матбуотининг мамлакатимиз мустақиллигигача бўлган давридаги экологик мавзуларнинг ёритилиш ҳолатини таҳлил қилганимизда, мазкур даврда ҳудуддаги мавзуга оид мақолалар асосан Орол денгизи фожиаси билан боғлиқ эканлиги аниқланди. Шунинг билан бирга, ўрмонларнинг йўқолиши, ҳавонинг ифлосланиши, атроф-муҳит тозалиги, табиатни асраш каби мавзулар денгиз фожиаси оқибати билан боғлиқ ёритилгани маълум бўлди.

Муаммони олиб чиқишда маҳаллий ижодкорлардан таниқли публицист Т.Қайипбергенов хизмати алоҳида эканлиги кўзга ташланди. Экология муаммосининг мустақилликкача бўлган даврдаги матбуотда кўриниш беришида ва ривожланишида «Арал-88» экспедициясининг ўрни аҳамиятли бўлган бўлса, дастлаб унга мазкур ижодкорнинг чиқиши асос бўлганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Шунинг билан бирга биз ўрганган давр ичида қорақалпоқ матбуотида экологик муаммолар фақат ёзувчиларнинг публицистик чиқишлари ва олимларнинг илмий мақолалари орқали ёритилганлигини аниқладик ва бу ҳол жамиятда ҳақиқатни билишга, объектив ахборотларга бўлган иштиёқнинг баланд бўлиши ҳам экологик муаммоларнинг очик-ойдин матбуот саҳифаларига олиб чиқилишига асос бўлди.

Яна шу нарса кўзга ташланадиги, журналистларнинг экологик мавзуга мурожаат қилиши, биринчи навбатда, шахсий қизиқишлари ва журналистик маҳорати билан ҳам боғлиқдир. Чунки экологик мавзулар жамиятдаги салбий ҳолатларни кўрсатиб беришга ундайди. Шўролар даврида жамиятдаги салбий ҳолатларни очиб бериш журналистнинг қатъий нуқтаи назарга эга бўлиши билан ҳам боғлиқ эди. Шундай экан, ўша даврларда экологик мавзуларни ёритишда журналистдан мардлик, қатъият талаб этилгани маълум.

¹⁹ Прохоров Е.П. Введение в теорию журналистики. – М., 1995. – С. 44.

Диссертациянинг «**Матбуотда экологик муаммолар таҳлили**» деб номланган иккинчи бобида Қорақалпоғистон Республикасида ҳозирги вақтда фаолият юритаётган матбуот нашрлари ва уларда кўтарилаётган экология мавзуси даражаси, аҳамияти ҳамда экологик мавзулар таснифи тадқиқ қилинган. Шунинг билан бирга, бугунги қорақалпоқ матбуоти нашрларини ижтимоий-сиёсий, ёшлар ва болалар ҳамда тармоқ нашрларига таснифлаган ҳолда ва уларнинг мақсадли йўналишларидан келиб чиқиб, таҳлилга тортилди.

Глобаллашув даврида Қорақалпоғистон ахборот майдонида матбуотнинг салмоғи, ижтимоий аҳамияти юқори даражага кўтарилди. Айниқса, мустақиллик йилларидан бошлаб ижтимоий муҳитнинг ўзгаришига, аудиториянинг жамиятдаги жараёнларга бўлган қарашларининг шаклланишига ҳам таъсир кўрсата бошлади. Буни ихтисослашган матбуот нашрларининг пайдо бўлиши, матбуот саҳифаларида ранг-баранг мавзуларнинг сайқаллашганлиги, аудитория билан мулоқотнинг ҳар хил шакллardan фойдаланилиб келиниши билан ҳам изоҳлашимиз мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлигининг маълумотига кўра, 2018 йилнинг 1 январигача республикада 44 та газета, 8 та журнал, битта ахборот агентлиги рўйхатдан ўтган. Шулардан «Еркин Қарақалпақстан», «Вести Каракалпакстана» ва «Қорақалпоғистон тонги» газеталари ижтимоий-сиёсий нашрлар сифатида, «Қарақалпақстан жаслар» нашри ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси сифатида, «Жеткиншек» газетаси болалар ва ёш-ўспиринлар нашри сифатида, «Устاز жолы» газетаси маънавий-маърифий ва таълим соҳасига ихтисослашган нашр сифатида, «Тэбият хабаршысы» газетаси эса экология ва табиат соҳасига ихтисослашган нашр сифатида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

Матбуот саҳифаларида жамиятдаги экологик муаммоларни ўзида мужассам этган қатор махсус рукнлар ташкил қилинди. Шулардан «Экология ҳам табиат», «Адам. Табиат. Экология.», «Экология», «Экология ва биз», «Табиат ва биз», «Инсан ҳам табиат», «Суў – тиришлик арқаўи», «Арал машқаласы – елдин машқаласы» рукнлари жуда оммалашган рукнлардан ҳисобланади.

Экологик муаммоларни ўрганишда, унинг ечимини топишда мавзуга оид ҳар хил тадбирларнинг ташкил қилиниши ҳам муаммони анча енгиллаштиради. Республикада экожурналистиканинг ривожланиши йўлида қилинаётган ижобий тадбирларнинг бири сифатида қатор нодавлат, нотижорат ва экологик ташкилотлар, атроф-муҳитни муҳофаза қилувчи идораларнинг ташаббуси ва кўллаб-қувватлаши билан ташкил этилаётган пресс-тур яъни, медиатурларнинг аҳамияти катта бўлмоқда. Маълумки, бундай тадбирларда албатта, ОАВ вакиллари билан биргаликда жамиятдаги деярли барча соҳалардан вакиллар иштирок этади. Бу ерда масалага ҳар томонлама ёндашилади. Пресс-тур тадбири – «Бу ахборот хизмати томонидан режалаштирилган ва журналистлар учун махсус мўлжалланган тадбир бўлиб, у объектив журналистик чиқишларни ОАВ да эълон қилиш учун ташкил этилади. Пресс-турлар бир неча соатдан бир неча кунгача давом этиши мумкин. Пресс-турни уюштириш учун ҳокимлик бевосита иштирок этадиган ҳар қандай аҳамиятли воқеа сабаб бўлиши

мумкин»²⁰. Демак, бу ҳам муаммо ва масаланинг ечимини топишдаги бир усул.

Шунингдек, экологик муаммоларни ҳар томонлама ўрганиб борадиган турли жамоат ташкилотлари ва хорижий ташкилотлар ваколатхоналари иш олиб бориши натижасида журналистлар билан ҳамкорлик ишлари ҳам мустақамланди. Ташкилотлар томонидан ҳар хил йўналишдаги танловларнинг ташкил этилиши журналистларнинг экология мавзусига кўпроқ мурожаат этишига асос бўлди.

Умуман, ижтимоий-сиёсий нашрлар жамиятда бўлаётган жараёнларни эътибор доирасида ушлаб туради. Таҳлилларимиз натижасида шунга амин бўлдикки, мустақилликнинг дастлабки йилларида газета саҳифаларида Орол денгизи муаммоси билан бевосита боғлиқ бўлган материаллар кўпчиликини ташкил қилган. Бунинг асосий сабаби сифатида жамиятда Орол денгизининг яна қайта тикланишига оз бўлса ҳам умид бор эканлигидир. Шу боис мазкур йўналишдаги чиқишларнинг ҳажми кўп бўлди. Нашрларнинг ундан сўнгги йиллардаги фаолиятида эса инсониятнинг атроф-муҳитга бўлган таъсирининг ортини билан глобал муаммолар ҳам кўзга ташлана бошлади.

Демак, ижтимоий-сиёсий нашрларнинг 90-йиллардаги фаолиятида экологик мавзудаги материалларнинг аксарияти олимлар, мутахассислар томонидан, 2000 йилларга келиб эса экологик мавзуда ёзадиган мухбирлар сафи кенгайиши билан экология мавзусига ихтисослашган журналистларнинг мақолалари кўплаб чоп этилганлиги кузатилди. Шундай экан, экология мавзусини ёритишда ижтимоий-сиёсий нашрларда инсоният олдида табиатнинг бор инъомларини келажак авлодга соф ҳолида етказиш асосий вазифалардан бири эканлиги маълум бўлди.

Экология мавзусини ёшлар, болалар ва ўсмирлар нашрида мунтазам ёритиб бориш табиатни асрашга, атроф-муҳитга ижобий муносабатда бўлишга ва умуман экология мавзусини атрофлича тушунишга етаклайди. Хуллас, ёшлар, болалар ва ўсмирлар учун махсус матбуотда экологик мавзунини очиб беришда кўпроқ тарбиявий йўналишдаги усуллар, шакллардан фойланиб келаяётганлиги аниқланди.

Ихтисослашган матбуотда экологик мавзунини ёритувчи журналистга катта масъулият юклатилади. Чунки журналистнинг воқеага изоҳ бериши аудиториянинг умумий ҳолатига таъсир этмай қолмайди. Фактлар билан нотўғри ишлаш жамият орасида саросима уйғотишига, аксинча, жамиятнинг муҳим ахборотга бўлган эътиборининг сусайишига олиб келиши мумкин.

Тармоқ нашрларида экологик мавзунинг ёритилиш ҳолатларига эътибор қаратганимизда, газеталарда турли хил мавзулар бўйича чиқишлар ташкил этилганлигининг гувоҳи бўлдик. Яъни мазкур нашрлар экологик мавзуларни мазкур нашрларда ёритиб боришда ўз мақсадли йўналиши атрофида чекланиб қолганлиги маълум бўлди.

Таҳлиллардан матбуотда чоп этилган экология мавзусига тааллуқли мақолаларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

- Орол денгизи билан боғлиқ;
- Инсон саломатлиги;

²⁰ Жамоатчилик билан самарали мулоқот. Ахборот хизматлари учун амалий қўлланма. – Тошкент: 2013. – Б. 66.

- Ҳавонинг ифлосланиши;
- Сувнинг сифати, сув муаммоси;
- Чикиндилар муаммоси;
- Дарахтзорларнинг йўқ қилиниши ва уларни асраш муаммоси;
- Экологик маданият;
- Биологик мувозанатни сақлаш;
- Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;
- Табiiй офат;
- Ернинг шўрланиши, чўлланиш муаммоси;
- Трансчегаравий дарёлар;
- Экологик клублар ва экологик ҳаракат ҳақидаги;
- Глобал экологик муаммолар, иқлим ўзгариши мавзулари ва ҳоказо.

Газета саҳифаларидаги мазкур мавзулар жамиятда кечаётган умумий жараёнлар асосида тайёрланганлигини эътироф этиш жоиздир.

Фикримизча, экология мавзусининг қорақалпоқ матбуотида самарадорлигини ошириш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

- нашрларда мавзулар бўйича ихтисослашувни янада юқори босқичга кўтариш;

- экологик муаммолар билан шуғулланадиган жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш. Экология, табиат соҳасидаги малакали мутахассисларни газета экспертлари сифатидаги фикрларидан фойдаланиш;

- журналистлар учун экология йўналишлари бўйича семинар-тренинглар ташкил этиш, табиат масканларига ва экологик муаммоли ҳудудларга медиатурларни ташкил этиш.

Диссертациянинг учинчи боби «**Экопублицистиканинг жанр ва услуб масалалари**»га бағишланиб, унда экологик мавзунини ёритишда журналистик жанрлар моҳияти, роли, шунингдек, мавзунини очиб беришда публицистик услуб масалалари ўрганилган.

Маълумки, ҳар қандай мавзу ва масалани очиб беришда, айнан, экология мавзусидаги публицистик материаллар ҳам журналистиканинг бошқа ихтисослашган соҳалари каби журналистиканинг умумназарий асосига суянган ҳолда ахборот, таҳлилий ва бадiiй публицистик жанрлари имкониятларидан бевосита фойдаланади.

Вазиятга кўра, баъзи ҳолларда экологик муаммоларни ёритишда журналистиканинг асосий жанрларида мослашиш юз бериши ҳам кўзга ташланади ва унда кўтарилаётган муаммо ўз аксини топади. Шу асосда замонавий ОАВ жанрлари таркиби объектив ва субъектив факторлари таъсирида шаклланади. Объектив факторларга нашрнинг тури, ўқувчилар аудиторияси хусусиятлари, газетанинг чиқиш даврийлиги ва таҳририятнинг ижодий салоҳиятини киритиш мумкин, субъектив факторларга журналистларнинг профессионаллиги, ижодий қизиқишини киритиш мумкин. Журналистнинг қайси жанрни танлаши таҳририят томонидан белгиланган режа ва топшириқлар асосида ҳам ташкиллаштириш мумкин, лекин аксарият ҳолларда эса журналистларнинг қизиқишларига ҳам боғлиқ.

Журналист экологик муаммоларни ёритишда биринчи навбатда фактларга суянади. У танланган фактнинг маълум бир томонларига ўз эътиборини

қаратиши, йиғилган фактлар қанчалик унинг тажрибасига, қизиқишларига мос бўлиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

